

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

МАХМУДОВ УМЕДУЛЛО АКМАЛИДДИН ЎҒЛИ

**ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МУНШАОТНАВИСЛИГИДА МАТН ТУЗИШ
АНЪАНАСИ**

(Абдуллоҳ Марворид тўплами мисолида)

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УДК: 801.82:821.512.1-6 (043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on Philological Sciences**

Махмудов Умедулло Акмалиддин ўғли
Темурийлар даври муншаотнавислигида матн тузиш анъанаси
(Абдуллоҳ Марворид тўплами мисолида).....3

Махмудов Умедулло Акмалиддин угли
Традиция сочинения текстов в эпистолярном жанре в эпоху тимуридов
(на примере собрания Абдуллы Марворида).....25

Makhmudov Umedullo Akmaliddin ugli
The tradition of writing texts in the epistolary genre in the Timurid era
(on the example of the collection of Abdullah Marvorid).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....51

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

МАХМУДОВ УМЕДУЛЛО АКМАЛИДДИН ЎҒЛИ

**ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МУНШАОТНАВИСЛИГИДА МАТН ТУЗИШ
АНЪАНАСИ**

(Абдуллоҳ Марворид тўплами мисолида)

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Fil531 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.navoiy-uni.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сирожиiddинов Шухрат Самариддинович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Юсупова Дилнавоз Раҳмоновна
филология фанлари доктори


Олимов Султонмурод Ҳошимович
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «16» февралда соат 18:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (856 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «5» февралда тарқатилди.
(2022 йил 18 февралдаги 2 рақамли реестр баённомаси).


Н.А.Жабборов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, филол.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Н.А.Жабборов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқларининг маънавий, ижтимоий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ жараёнларни тиклашга ёрдам берадиган асосий манбалардан бири расмий ҳужжатлар, мактуб ва ёзишмалардир. Уларнинг муайян халқлар адабиёти тарихи ҳамда давлатчилик тарихини ўрганишда ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта.

Дунё адабиётшунослигида Шарқ халқлари адабиёти ва уларнинг маданий-маънавий меросини ўрганиш, қўлёзма асарларни нашр қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигига қарамай, муайян тарихий давр воқелиklarини ўзида акс эттирган мактублар, фармонлар ва турли ёзишмаларни ўз ичига олган тўпламлар етарли даражада тадқиқ этилмаган. Ушбу тўпламлар муншаот жанрига тааллуқли бўлиб, ўзининг юксак бадиий услуби ва сўз жилокорлиги билан адабий манбалар сирасига киради. Шу нуқтаи назардан расмий услубга хос истилоҳлар, мактуб ва номаларнинг ёзилиш анъаналари, усул ва услублари, муншаот матнида акс этган наср ва назм турлари, уларда келган бадиий санъатларни тадқиқ этиш бугунги адабиётшунослик олдида турган муҳим масалалардандир. Темурийлар давлатчилиги тарихида, айниқса, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Алишер Навоий ташаббуси билан муншаотнавислик соҳасига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бир қанча муншаот тўпламлари яратилган. Шундай тўпламлардан бирининг муаллифи Шаҳобиддин Абдуллоҳ Марвориддир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, буюк аждодларимизнинг илмий-адабий меросини янгича тафаккур асосида холис ўрганиш ва уларни ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”¹. Шу маънода Абдуллоҳ Марворид томонидан тўпланган хат ва фармон нусхаларини ўз ичига олган “Муншаоти Абдуллоҳ Марворид” ватанимиз адабиёти тарихини ўрганишда зарурий манба ҳисобланади. Мазкур мажмуадаги Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий даврига оид хат ва ҳужжатлар, ёзишма ва фармонлар темурийлар даври, хусусан, Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятини ёритишда фавқулодда аҳамиятли бўлиб, ундан ўрин олган мактублар, фармон ва ҳужжатлардаги юксак ифода услуби, мактубларнинг адабий манба сифатидаги ўзига хос жиҳатлари, уларнинг Шарқ иншо санъати ривожигаги ўрнини монографик планда махсус тадқиқ этиш Абдуллоҳ Марвориднинг муншаотнависликдаги мақоми, бадиий маҳорати ҳамда давр маданий ҳаётидаги ўрнини аниқлаш имконини беради ва тадқиқотнинг зарурийлигини билдиради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги «Тараққиёт йўлимизнинг шиддати янада ошаверади» мавзусидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бажариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорлари, “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори” мавзусидаги маърузасида ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муншаот асарлари дунё ва ўзбек олимлари томонидан муайян даражада тадқиқ этилган. Рус олимлари В.В.Бартольд², Е.Э.Бертельс³, Н.А.Болдырев⁴, И.С.Брагинский⁵ларнинг илмий асарлари шунингдек, Н.И.Белунова⁶, А.В.Белова⁷, Н.В.Шевцова⁸, Н.В.Логунова⁹, Э.И.Коптева¹⁰, Н.А.Ковалева¹¹ каби рус олимларининг докторлик ва номзодлик диссертацияларида эпистоляр жанрнинг пайдо бўлиш тарихи, тараққиёт босқичлари ҳамда эпистоляр мактубларнинг

² Бартольд В.В. Мир Алишер и политическая жизнь // Соч. – Москва: Наука, 1964. Т.2. Ч.2 – С. 199-249.

³ Бертельс Е.Э. Джами/Избранные труды: Наваи и Джами. – Москва, 1965. – С.209-279.

⁴ Болдырев А.Н. Персидские переводы «Маджалис ан-нафис» Наваи // Ученые записки ЛГУ, 1952. – №128. Вып.3.

⁵ Брагинский И.С. Антология таджикской поэзии. Государственное издательство художественной литературы. – Москва, 1951.

⁶ Белунова Н.И. Текст дружеского письма творческой интеллигенции конца XIX - первой четверти XX в. как объект лингвистического исследования: Коммуникативный аспект. Дисс.док.фил.наук. – Омск 2012.

⁷ Белова А.В. Лингвопрагматическая характеристика обратимой эпистолярной коммуникации: На материале переписки Ал. П. Чехова и А.П. Чехова. Дисс.кан.фил.наук. – Санкт-Петербург, 2005.

⁸ Шевцова Н.В. Эпистолярный жанр в наследии Ф.М.Достоевского. Автореф. кан. фил. наук. Челябинский государственный университет. – Магнитогорск, 2004. – С. 24.

⁹ Н.В. Логунова. Эпистолярный жанр в русской литературе второй половины XVIII - первой трети XIX вв. Дисс.кан.фил.наук. – Ростов на Дону, 1999.

¹⁰ Коптева Э.И. Генезис и жанровая динамика философско-художественных форм в русской прозе конца XVIII - начала XIX вв. Дисс.док.фил.наук. – Омск, 2012.

¹¹ Ковалева Н.А. Русское частное письмо XIX века: Коммуникация, жанр, речевая структура. Дисс.док.фил.наук. – Москва, 2002.

таркибий тузилиши ҳамда кўринишлари адабиёт, тарих ва тил илмлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинган ва асослаб берилган. Қардош халқлар олимларидан Д.Бобоев¹², М.Нарзикул¹³, А.М.Фарзалиев ва Р.М.Мамедованинг¹⁴ ишларида муншаотнавислик назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этилган бўлса, турк олимлари доктор Аднан Октай¹⁵, Ҳасан Гултекин¹⁶, профессор Мине Менги¹⁷нинг илмий ишларида эпистоляр жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг турк адабиётида тутган ўрни хусусида маълумотлар берилади. Америкалик олима Катерина Губернатис¹⁸, франциялик Ҳароч Бюзнак¹⁹, англиялик олим Мўмин Муҳиддин Муҳаммад Иброҳим²⁰ларнинг тадқиқоти бу борада ўз қимматини йўқотмаган. Канадалик олим Колин Митчелл²¹нинг мақоласи, шунингдек, эронлик олимлар Асруссодот Аҳмади, Ҳусайн Оғохусайний ва Алиасқар Мирбоқирифард²², Захро Ҳусайнободий²³, Мехдий Баёний²⁴, Сайид Али Мирафзалий²⁵ ва бошқаларнинг тадқиқот ва мақолаларида муншаот билан боғлиқ масалалар матншунослик йўналишида ўрганилган. Ўзбек олимларидан А.Зоҳирий²⁶, А.Ҳайитметов²⁷, С.Ғаниева²⁸, Ш.Сирождидинов²⁹, А.Ўринбоев³⁰, Ю.Турсунов³¹, Қ.Эргашев³², Ҳ.Дадабоев³³, Д.Юсупова³⁴ларнинг

¹² Бобоев Д.Х. Наме и традиции эпистолярного жанра в “Шахнаме” Фирдоуси. Дисс.кан.фил.наук. – Душанбе, 1999.

¹³ Нарзикул М. Трактат Амир Хусрава Дихлави “Эъджази Хусрави” (“Чудо Хусрава”) и традиции эпистолярного жанра в истории персидско-таджикской литературы. Дисс.док.фил.наук. – Душанбе, 2009.

¹⁴ Фарзалиев.А.М., Мамедова Р.М. Сефевиды и великие Моголы в мусульманской дипломатике. – Санкт Петербург, 2004.

¹⁵ Adnan OKTAY. Nâbî'nin münşeât'ı: inceleme-metin. Dicle Üniversitesi Eğitim Bilimleri Enstitüsü, Doktora tezi. – Diyarbakir, 2014.

¹⁶ Hasan Gültekin. Türk edebiyatında inşâ: tarihî gelişim-kuram-sözlük ve metin. Doktora Tezi, Ankara, Hacettepe Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, – Ankara, 2007.

¹⁷ Mine Mengi. Eski Türk Edebiyatı Tarihi: Edebiyat tarihi metinler. Başer Matbaası. – Ankara, 2005.

¹⁸ Catherine Gubernatis, M.A. THE EPISTOLARY FORM IN TWENTIETH-CENTURY FICTION. Diss. The Ohio State University. – Ohio, 2007.

¹⁹ Haroche-Bouzinac G. La lettre à l'âge classique, genre mineur? // Revue d'Histoire littéraire de la France. 99e Année. No. 2. Les hiérarchies littéraires (Mars – Avril 1999).

²⁰ Momin Mohiuddin Muhammed Ibrahim. The Mughal contribution to Persian epistolography (from Babur to Shahjahan). The Muir institute. Edinburgh, 1958.

²¹ Colin MITCHELL. SAFAVID IMPERIAL TARASSUL AND THE PERSIAN INSHA TRADITION// STUDIA IRANICA, 1997. – V 26. – P. 173-209.

²² Asraossadat Ahmadi, Hossein Aghahosseini & Sayed Aliasghar Mirbagherifard. Introducing Bayani Kermani and the Manuscripts of His Monsha'at//Asian Culture and History, 2013. – Vol. 5, No. 2.

²³ زهرا حسين آبادی. سیری در آثار خوشنویسی خواجه عبدالله مروارید کرمانی. دو فصلنامه، دانشکده هنر شوشتر، دانشگاه شهید چمران اهواز. شماره پنجم-بهار و تابستان 93.

²⁴ بیانی، مهدی. احوال و آثار خوشنویسان. انتشارات علمی. چاپ دوم. تهران ۱۳۶۳ ش

²⁵ سید علی میرافضلی. مروارید کرمانی و رباعیات سرگردان. مجله علمب معارف. شماره 3. تهران-1997. صص 24-36

²⁶ ع.زاهری. ناوایی نگ یوبلی وه ته رجومه یی حالیغه یه نگي بر سه حیفه. مه عارف وه ئوقوتغوچی. 1-2 سان. صص 27.

²⁷ Ҳайитметов А. Навоийнинг форсий мактублари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974. – Б. 9-13.

²⁸ Ғаниева С. “Муншаот”да даврнинг баъзи ижтимоий-сиёсий масалалари// Ўзбек тили ва адабиёти, 1975. № 1. – Б.15.

²⁹ Ш.С.Сирождидинов. XV-XVI асрлар тарихий ва тазкира-эсдалик асарларида А.Навоий ҳаёти ва фаолияти талқини. – Самарқанд, 1997.

³⁰ Урунбаев.А. Письма-автограф Абурахмана Джами из "Альбома Навои". – Ташкент: Фан, 1982.

³¹ Турсунов Ю. “Муншаот – как историко-литературный источник в изучении жизни и деятельности Алишера Навои: Автореф. Дисс. канд. фил.наук. – Ташкент, 1986.

³² Эргашев Қ.О. “Ўзбек насрида иншо (Навоий “Муншаот”и мисолида)”: ф.ф.н дисс. Тошкент, 1996.

диссертация ва монографияларида биз тадқиқ этаётган давр ҳамда муншаот жанрига оид айрим кузатишлар кўзга ташланади. Шунини ҳам қайд этиш керакки, “Муншаоти Абдуллоҳ Марворид” тўпламининг факсимиле нусхасини германиялик олим Ганс Роберт Роемер 1951 йилда Висбаден шаҳрида “Шарафнома” номи билан “Франс Штайц” нашриётида чоп эттирган.³⁵

Бироқ темурийлар даври маданий муҳити ва давлатчилик тарихида муҳим ўрин тутувчи Шаҳобиддин Абдуллоҳ бин Муҳаммад Кирмоний Марвориднинг “Муншаоти Абдуллоҳ Марворид” тўплами яхлит илмий муаммо сифатида фундаментал тарзда ўрганилмаганлиги мазкур диссертациянинг аввалги илмий ишлардан фарқ қилишини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ “Мумтоз адабиётшуносликнинг долзарб масалалари” ва “Шарқ ва ўзбек адабий алоқалари” мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абдуллоҳ Марворид “Муншаот”ининг темурийлар даври давлатчилик тарихи, адабиёти, санъати ва ижтимоий-сиёсий муҳитида тутган ўрнини аниқлаш, бу даврда фаолият юритган давлат арбобларининг фаолияти билан боғлиқ фармон ва мактубларни текшириш, ушбу асардан ўрин олган мактублар, фармон ва ҳужжатлар орқали иншонинг наср тури сифатидаги ўрни ва ўзига хос хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шарқ адабиётида иншо санъатининг генезиси ва шаклланиш босқичларини тадқиқ ва тасниф этиш;

темурийлар даврида яратилган муншаот тўпламларининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа даврларда яратилган муншаот туркумидаги асарлардан фарқли жиҳатларини аниқлаш;

темурийлар даври ёзма маданияти ва хатга оид илмий маълумотларни таҳлил этиш;

илм-фан ва санъатнинг Самарқанд ва Ҳирот мактаблари хусусидаги янги маълумотларни илмий истеъмолга киритиш;

тазкиралар ва бошқа манбалар асосида темурийлар даврида яшаб, ижод қилган котиб ва дабирлар ҳаётига оид маълумотларни аниқлаш;

Абдуллоҳ Марвориднинг Ҳирот мактабида тутган ўрни ва унинг илмий ва ижодий фаолиятига оид маълумотларни аниқлаш;

“Муншаоти Абдуллоҳ Марворид” таркибидан ўрин олган хат ва ҳужжатларни адабиётшунослик нуқтаи назардан тадқиқ, таҳлил ва тасниф этиш;

³³ Дадабоев Ҳ. Аждодларимизнинг ҳарбий маҳорати. – Тошкент, 2016. – 176 б.

³⁴ Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисоаларнинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: ТА’ЛИМ MEDIA, 2019.

³⁵ شرفنامه. تالیف خواجه عبدالله مروارید. ترجمه و تفسیر هانس روبرت رومر. چاپخانه فرانس اشتایز. ویسبادن-1951. -112 ص.

Алишер Навоийнинг мазкур асар таркибидаги форсий мактубларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини Абдуллоҳ Марворид томонидан яратилган “Муншаот” тўплами ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Абдуллоҳ Марвориднинг илмий биографиясини тиклаш, “Муншаоти Абдуллоҳ Марворид” тўпламининг кўлөзмаларини илмий тавсифлаш, муншаотнинг матний тадқиқи, Абдуллоҳ Марвориднинг муншаот тузишдаги ўзига хос ёндашув ва услуби, мактублар, фармонлар ҳамда турли ёзишмаларда қўлланган юксак услубни тизимлаштириш маҳоратини ўрганиш, тўпламнинг матн тарихини ўрганиш каби масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, таснифлаш, комплекс таҳлил, қиёсий-тарихий ва статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотининг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

адабиётшуносликда, хусусан, Шарқ адабиётида иншо санъатининг ўзбек адабиёти тарихи, манбашуносликда тутган ўрни ва мактуб ёзиш анъаналарининг шаклланиши, унинг матншунослик соҳасидаги амалий аҳамияти очиб берилиб, иншонинг араб, форс, туркий адабиётда иншо санъати каби тараққиёт босқичлари далилланган;

иншонинг дўстона, девон мактублари ҳамда султон мактуб ва хужжатлари каби турлари аниқланган ва темурийлар давридаги эпистоляр жанр ривожига ҳақидаги муҳим маълумотлар, темурийлар даврида яшаган ҳаттотлар ва дабирлар фаолияти ва шахсияти текширилиб, илм-фан ва санъатнинг Самарқанд ва Ҳирот мактаблари ва уларнинг муншаотнависликда тутган аҳамияти очиб берилган;

тўпламнинг илмий-бадий хусусиятлари ва Абдуллоҳ Марвориднинг тўплам тузишдаги ёндашуви, хусусан, фармон ва мактубларни кетма кетликда тизимлаштирилган ҳолда жойлаштириши, уларни тўпламга киритишдаги услуби, тўпламдан ўрин олган Алишер Навоийнинг форсий мактублари матни текширилган ва улардаги ўша давр адабий муҳитига оид янги маълумотлар истеъмолга киритилган;

“Муншаоти Абдуллоҳ Марворид” тўпамидан ўрин олган мактублар, фармон ва хужжатлар биринчи марта иншо турлари ва кўринишлари бўйича аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

мумтоз адабиётшунослик, ўрта аср адабиётида муншаотнинг генезиси ва такомил босқичлари, Муншаотларнинг давр ўтгани сайин ривожланиши, анъанавийлиги ва тузилиши ойдинлаштирилган,

“Муншаоти Абдуллоҳ Марворид” тўплами илк мартаба мазкур ишга тадқиқот объекти сифатида жалб этилган, шунингдек, мазкур манбанинг монографик илмий тавсифи амалга оширилган;

“Муншаоти Абдуллоҳ Марворид” тўпламининг ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди ва Эроннинг Шўройи

Мажлис ҳамда Малик кутубхоналарида сақланадиган 10 та қўлёзма нусхаси аниқланиб, мазкур қўлёзма нусхаларнинг илмий тавсифи амалга оширилган;

Алишер Навоийнинг энг яқин шогирдларидан бири саналган Абдуллоҳ Марвориднинг ҳаёти, фаолияти ва асарларига доир маълумотлар “Оташкада”, “Тазкирайи Фаришта”, “Тухфаи Сомий”, “Тазкират уш-шуаро”, “Мажолис ун-нафоис” каби тазкиралар, шунингдек, “Ҳабиб ус-сияр”, “Бадойиъ ул-вақойиъ” каби тазкиралар асосида тикланган.

Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ форсий мактублар аниқланиб, мактублар турларига кўра таснифланган ва улардаги бадиий санъатлар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган “Муншаоти Абдуллоҳ Марворид” тўпламининг 5 та қўлёзма нусхаси, Эрон Ислом Республикасининг “Мажлис” кутубхонасида 3та ва “Малик” миллий кутубхонасида сақланаётган 2 нусхаси ишга жалб қилингани, шунингдек, ишда бирламчи манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материаллар тўлиқ матншунослик ва адабиётшунослик аспектида кўриб чиқилгани, ёндош ва асосий манбалар асосида далиллангани, амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек адабиёти тарихи ҳамда адабий манбашунослик ва матншунослик йўналишида илмий тадқиқот ишлари олиб боришда, адабиётда муншаотнависликнинг шаклланиши, анъана ва новаторлик масалаларини ўрганишда, туркий ва форсий муншаотларда зикр этилган тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этишда муҳим ўрин тутиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек ва форс мумтоз адабиёти тарихи бўйича илмий тадқиқотлар ёзишда, монографиялар, олий ўқув юрти талабалари, лицей ва мактаб ўқувчилари учун дарслик, ўқув қўлланмалар ёзишда, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини такомиллаштириш, факультатив дарслар ва махсус курслар ишлаб чиқиш, мазкур фанлар мазмунини бойитиш ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Темурийлар даври муншаотнавислигида матн тузиш анъанаси (Абдуллоҳ Марворид тўплами мисолида) тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

XIV-XV асрлар биринчи ярми мумтоз ўзбек адабиётида ижтимоий ҳодисаларнинг бадиий ифодаси, жанрларнинг мавзу кўлами, адабиёт ва миллий ўзликни англаш масалаларини Ҳирот адабий муҳити намояндалари ижоди мисолида далилланганлиги, Абдуллоҳ Марворид “Муншаот”ининг ғоявий-бадиий мундарижаси, бадиий-эстетик асосларини тематик рангбаранглиги, оригиналлик масалалари аспектида мумтоз наср ривожига кўрсатган ижобий таъсири давр адабий мезонлари замирида асослангани, Абдуллоҳ Марворид билан биргаликда бир адабий муҳит доирасида ижод

қилган шоирлар, муншийларнинг, миллий адабиёт вакилларининг ва қардош халқлар адабиёти йирик намояндалари анъаналарининг бадиий такомилени жанрий, ғоявий-бадиий жиҳатдан очиб беришга доир илмий-назарий хулосаларидан ФА-Ф1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 20 октябрдаги 17.01/185-сон маълумотномаси). Натижада темурийлар даврида муншаотнавислик анъанаси ва муншаот тўпламларининг адабиёт тарихида тутган ўрни ва аҳамияти ҳамда уларнинг қўлёзма манбалари билан боғлиқ маълумотларга ойдинлик киритилган;

Шарқ адабиётида эпистоляр жанр генезиси ва тараққиёт босқичларини давр нуқтаи назаридан таҳлили, Абдуллоҳ Марворид ҳаёти ва ижодий фаолиятини давр адабий манбаларига асосланиб ёритиш ҳамда унинг муншаотидан ўрин олган мактуб ва ёзишмалар, XV аср темурийлар даври матн тузиш анъанаси, Абдуллоҳ Марвориднинг “Муншаот” тўплами ҳамда темурийлар даврида яратилган муншаотларнинг Шарқ иншо санъати тараққиётидаги ўрни, Абдуллоҳ Марвориднинг муншаотнавислик илмига қўшган ҳиссасига доир илмий хулосалардан “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7 жилд) чоп этиш” (2017-2020 й) мавзусидаги ОҒ-Ф1-030 рақамли фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 20 ноябрдаги 04/1-2245/1-сон маълумотномаси). Натижада темурийлар даврида ёзма маданият ва хат хусусидаги маълумотлар, Ҳирот адабий муҳитида Абдуллоҳ Марвориднинг тутган ўрни ва унинг илмий ҳамда ижодий фаолияти билан боғлиқ янги маълумотлар билан бойитилган;

Эпистоляр жанрнинг пайдо бўлиши тарихи ва унинг тараққиёт босқичлари, Эпистоляр жанрнинг шарқ адабиётидаги ўрни ва аҳамияти, муншаот жанри ва унинг темурийлар давридаги тараққиёти, Абдуллоҳ Марворид ва унинг темурийлар даври адабиётида тутган ўрни, “Муншаоти Абдуллоҳ Марворид” тўпламида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид фармон ва мактублар, мактубларнинг шакли ва мазмунига доир илмий маълумотлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телеканалининг “Студия 24” кўрсатуви ҳамда “O‘zbekiston” телеканалининг “Ойдин ҳаёт Live” каби кўрсатувларнинг сценарийларини ёзишда фойдаланилган. (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали” давлат муассасасининг 2021 йил 18 августдаги 02-14-1323 сон маълумотномаси). Натижада темурийлар даврида яратилган муншаот тўпламларининг ўзбек ва туркий халқлар адабиётида тутган ўрни ва Алишер Навоийнинг форсий мактубларига оид маълумотларга аниқлик киритилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шундан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 2 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тадқиқот тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Муншаотлар генезиси ва темурийлар даври муншаотнавислиги”** деб номланган дастлабки боби 2 фаслдан иборат. Бобнинг *“Муншаотларнинг адабий жанр сифатида вужудга келиш тарихи ва таснифи”* деб номланган биринчи фаслида мактуб ва ёзишмаларнинг вужудга келиш тарихи, уларнинг адабиёт тарихида тутган ўрни, антик ва жаҳон адабиётида эпистоляр жанрнинг ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритилган. Муншаот сўзининг маъноси луғатлар асосида шарҳланиб, муншаот ва муншаотнавислик хусусида жаҳон ва ўзбек олимларининг фикри таҳлил қилинган. Бундан ташқари Шарқ адабиётида мактуб ва ёзишмаларни ўзида жамлаган муншаот тўпламларининг пайдо бўлиш тарихи, ушбу жанрнинг турли тараққиёт босқичларида шакл ва мазмун жиҳатидан юзага келган ўзгаришлар илмий асослаб берилган. Шунингдек, ёзишма ва мактубларнинг шакл ва мазмунига кўра турлари мисоллар асосида ёритилган. Жумладан, мактуб ёки ёзишмалар адабий жанр сифатида грек ва рим адабиётида ҳам ўз ўрнига эга бўлган. Цицерон, Сенека ҳамда Плиниянинг мактублари фикримизни далиллайди. Жаҳон адабиётида ёзишмалар, мактуб ва ҳужжатлар эпистоляр жанр (грекча. *epistole* – мактуб, нома) сифатида тилга олинади ҳамда маълум қоидаларга бўйсунди ва ўзида муайян шаклни намоён этади.... Адресатга юбориладиган табрикнома (открытки), тезкор хабар (телеграмма) ва шунга ўхшаш хабарлар фикримизга мисол бўлади.³⁶

Муншаот арабча “иншо” сўзининг масдаридан олинган бўлиб, исми мафъул боби ёрдамида “муншоҳ” сўзи ҳосил бўлган. Унга -от арабий кўплик ясовчи кўшимча кўшилиб, муншаот шаклини олган. Мазкур сўз “иншо этилганлар, ёзилганлар, битилганлар, номалар, муросилот, мусаввадот” каби маъноларни англатади. Шунингдек, “муншаот” сўзидан мурод иншо шакли

³⁶ Стилистический энциклопедический словарь русского языка / Под. ред. М.Н. Кожинной; члены редколлегии: Е.А. Баженова, М.П. Котюрова, А.П. Сковородников.— 2-е изд., испр. и доп. — Москва: Наука, 2006. – С. 628.

ва қолипида ёзилган муншийона битиклар ҳамда жўнатмалардир³⁷. Шу билан бирга, муншаот адабий истилоҳда муншийлар (сарой муншийси ёки бошқа муншийлар) томонидан яратилган расмий ёки дўстона мактубларни ўзида жамлаган мажмуадир³⁸. “Илми иншо шундай илмки, унинг ёрдамида хитоба ва рисоаларда ҳамда бошқа манбаларда мавжуд бўлган насрий таркибларнинг афзаллиги ва камчиликлари (маҳосин ва маойиби) ўрганилади.”³⁹

Шарқ адабиётида илк тўплам Уммавийлар даврида яшаган Абдулҳамид бин Яҳё ал-Котиб томонидан яратилган “Рисола илал куттоб” асаридир. Бу асар Муҳаммад (а.с)нинг турли мамлакатлар ҳукмдорларига ёзган мактублари билан бошланиб, ундан кейинги даврда ёзилган хатларни ўзида жамлаган.⁴⁰ Аббосийлар даврига келиб, араблар Эронни ҳам фатҳ этишга муяссар бўлгач, форслар билан савдо, ижтимоий, иқтисодий муносабатларга киришдилар ва ўз маданиятларини бу ҳудудда тарғиб этдилар. Натижада араб адабиёти ҳам бу ўлкага кириб келди ҳамда форсий адабиётдан таъсирланди.⁴¹ Бу пайтга келиб Иброҳим бин Муҳаммад ал-Мудаббир тарафидан, “Рисолат ул-узро” асари таълиф этилди.⁴²

Араблар фатҳи ва ислом динининг Эронга кириб келганидан сўнг то ярим мустақил ва мустақил давлатлар ташкил топгунга қадар тахминан икки ярим аср давомида олиб борилган ёзишмалар хусусида ҳам аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Мактуб ёзиш анъанаси “номенависи” ёки “номенегори” каби истилоҳлар билан юритилди. Дастлаб мактуб ёзиш анъаналари арабларнинг мактубнавислик анъаналаридан фарқланмайди.⁴³ Ёзишмалар ва уларни жамлаб, муншаот мажмуаларининг яратилиши борасида эронлик олимлар ўртасида турли қарашлар мавжуд. Чунончи, баъзи олимлар “форсларда котиблар ёки бошқа шахслар томонидан мактубларни йиғиб, муншаот ҳолатига келтириш Ғазнавийлар ҳукмронлиги даврида бевосита Абул Фазл Муҳаммад ибн Ҳусайн Байҳақий томонидан амалга оширилди” – десалар, баъзилари муншаотнинг илк намуналари Салжуқийлар даврига оид бўлган ва илк бор форсий тилдаги муншаот Рашидиддин Ватвотнинг мактубларидир дея фикр билдирадилар.

Ушбу ўринда иншо (ёзишмалар)нинг икки кўриниши мавжудлигини зикр этмоқ керак:

1. Назм йўли билан ёзилган муншаот.
2. Насрий муншаот.

37. دهخدا. لغت نامه دهخدا. جلد 14. چاپخانه مجلس. تهران-1984. صص 21641-42.

38. مصاحب، غلامحسين، دایره المعارف فارسی، نشریات امیر کبیر، کتابهای جیبی. تهران 2010. ج 2، صص 2866.

39. كشف الظنون عن اسامی الفنون. حاجی خلیفه. دار احیاء التراث العربی. بیروت-1947. ص 181.

40. أمراء البیان، محمدبن عبدالرزاق بن محمد كرد علی. مكتبة الثقافة الدينية. قاهرة-2011. صص 89-94.

41. Adnan OKTAY. Nâbî'nin münşeât'ı: inceleme-metin. Dicle Üniversitesi Eğitim Bilimleri Enstitüsü. Doktora tezi. – Diyarbakir, 2014. – S. 10.

42. Adnan OKTAY. Nâbî'nin münşeât'ı: inceleme-metin. Dicle Üniversitesi Eğitim Bilimleri Enstitüsü. Doktora tezi. – Diyarbakir, 2014. – S. 10.

43. کتاب شناسی توصیفی منشآت دوره تیموری و بررسی نقض آن ها در پژوهش های تاریخی آن دوره. علی منوچهری. پایان نامه جهت اخذ درجه کارشناسی ارشد تاریخ. دانشگاه تهران-1390. ص 19.

Муншаотлардан ўрин олган мактуб ва номаларни тузилиши ва мазмун мундарижасига кўра қуйидаги турларга ажратиш Шарқ халқлари адабиётида анъанага айланган:

1. Султонийят
2. Ихвонийят
3. Девонийят

Бобнинг иккинчи фасли “*Темурийлар даврида яратилган муншаотлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлар*”и хусусида бўлиб, унда темурийлар даврида хат ва иншонинг тараққиёти, шунингдек, темурий шахзодаларнинг хаттотлик ва хат ёзиш малакасини ўзлаштиришга бўлган эътибори ҳақида маълумотлар берилади. Бундан ташқари, мактуб ёзувчилар (муншийлар)га мактуб ёзишда белгиланган одоб ва русумлар, бу даврда яратилган муншаот тўпламлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Темурий ҳукмдорларнинг илм ва ижод аҳли, рассом ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш сиёсати турли мамлакатлардан олим ва фозилларни, донишманд ва ҳунармандларни, уста-меъморларни бу заминга келиб муқим ўрнашишига туртки берди. Бу эса ўз навбатида, янги-янги илмий марказлар, мактабларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Илм, санъат, меъморчилик, ҳунармандчилик юқори ривожланиш босқичига ўтди. Самарқанд йирик илмий марказга айланди. Амир Темур олимлар, донишмандлар ва шоирларни севар ва уларни ҳамиша ўз ҳимояси остида тутар эди. Унинг марокашлик донишманд Ибн Халдун билан олиб борган илмий баҳслари бунинг ёрқин далилидир. Амир Темур ўз ҳукмронлиги даврида қорилар, воизлар, хаттотлар, фалакиётшунослар ва бошқа илм ва ҳунар аҳлини Самарқандда жамлади. Бу даврда машҳур хаттот ва котиблар ҳам Самарқандда жам бўлиб, ўз мактабларини яратдилар. Бу даврда ёзув ва хат санъат даражасига кўтарилди, китобат ҳамда мусиқа санъати ривож топди, хаттот ва муншийлар жамиятда жуда юқори обрў ва мартабага сазовор бўлдилар, хат турларидан таълиқ ва насх хатини ўзида бирлаштирган “наسخи таълиқи Самарқандий” ёхуд настаълиқ ёзуви тури ижод қилинди.

Бу даврга келиб, хат энг гўзал санъат тури, хаттотлик ёки котиблик энг мўътабар ва обрўли ҳунар турига кирди. Хаттотлик руҳоний санъат бўлиб, маданият ва илм ривожига ҳисса қўшди ва инсоннинг турли жабҳада тажрибаларини оширишга хизмат қилди. Хаттотликдан беҳабарлик ўз даврида кишиларнинг нуқсони сифатида кўрилган бўлиб, бундай инсонларнинг давлат ишларида иштирок этмоқлари номақбул саналган. Бу ҳунарни ўрганишга аҳолининг турли қатламлари, ҳатто шахзодалар, ҳам қаттиқ ҳаракат қилганлар.

Темурийлар даврининг ўзига хос жиҳатларидан бири бу шахзодаларнинг ҳам илм ва санъатнинг турли соҳаларига қизиқишлари ҳамда ушбу соҳаларни кунг билан ўрганганликларидадир. Жумладан, Мирзо Улуғбекнинг астрономия ва риёзиёт илмига, Бойсунғур ва Иброҳим Султонларнинг айнан хат ва хаттотликка қизиқишлари ҳам ушбу илм ва санъат соҳаларининг тараққий топишига туртки бўлган дейиш мумкин. Таълиқ, настаълиқ, насх

каби шу ва шунга ўхшаш ёзув кўринишлари Устоз-шогирд анъанасига риоя қилган ҳолда ўргатилар эди.

Темурийлар даврида хаттотликни ўрганувчиларни икки тоифага ажратиш мумкин эканлиги ёритилди:

1. Тирикчилик зарурати ёки давлат ишлари билан бандлиги сабабли хаттотликни ўрганган тоифа.

2. Моддий манфаатдан холи равишда, маънан юксалиш ва санъатдан завқланиш умидида хаттотликни ўрганган тоифа.

Хаттотларнинг темурийлар даврида халқаро алоқаларда ҳам ўзига хос ўрни мавжуд бўлиб, улар ҳукмдорларнинг сиёсий мактубларини гўзал ёзувда ифода этар, уларга безак берар эдилар. Шунингдек, ҳукмдорлар тарафидан нусха кўчиришга буюрилган китобларни хаттотлар гўзал хатда кўчириб, тазҳиб ва китобат қилар эдилар ва кўчирилган мазкур китоблар турли давлат ҳоким ва ҳукмдорларига инъом сифатида юборилар эди. Бунга мисол сифатида Шоҳрухмирзонинг 1440 йилда Шайх Мансур Мотурудийнинг “Таъвилот” асари, Аллома Розийнинг “Тафсири Кабир” асари, Хожа Масъуд Бухорийнинг “Шарҳи талхиси жомеъ” асари, Мавлоно Алоиддин Паҳлавоннинг “Шарҳи Кашшоф” каби асарлардан нусха кўчиришни буюради ва мазкур асарларнинг нусхалари тайёр бўлгач уларни Миср ҳокими Султон Чақмоққа ҳадя қилганлиги манбалар асосида аниқланди.

Темурийлар даврига келиб, муншаотнавислик бирмунча сайқалланди. Темурийлар даврида яратилган муншаотларнинг асосий хусусияти сифатида матнда адресат (мухотаб)нинг инсоний фазилатлари, эгаллаган мақоми каби масалаларнинг Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси шарифлар асосида кенгроқ далилланиши, муншаот матнида гўзал байтларнинг жойлаштирилиши шунингдек, феълларнинг қўлланилишидаги ўзгаришлар жумладан ўтган замон натижали феълнинг сифатдош шаклига айлантирилиши, араб тилида тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг форсий ёки туркий тилдаги сўзларга алмаштирилиши мазкур асарларнинг жозибасини янада оширганлиги аниқланди.

Темурийлар даврида яратилган муншаот асарлари ўзига хослиги билан бошқа даврларда яратилган асарлардан фарқ қилган. Мазкур асарларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича таҳлил этилди:

1. Аниқлик ва лўндалик; бу услуб 7 ҳижрий асрнинг иккинчи ярмидан адабиётга татбиқ этилди. Дастлаб мўғулларнинг талаби ва таклифи асосида ортиқча безак ва пардоздан холи наср турини яратишга интилиш бўлган бўлса кейинчалик бу анъана темурийлар даври адабиётида ҳам ўз изини қолдирди.

2. Ўтган замон натижали феъли ўрнига ўтган замон сифатдошининг қўлланиши;

3. Тушунилиши қийин ва зехндан йироқ арабий сўзлар истеъмоли камайди;

4. Қадимдан истеъмолда бўлган баъзи арабий иборалар, жумладан *من كل وجه، يوما فيوما، كره بعد اخرى* (ҳар томонлама, кундан кунга, биридан кейин) ибораларининг ишлатиш ўринлари кенгайди;

5. Мактубларда мақсадни ифода этиш ҳамда мазмун-моҳиятни янада бойитиш учун муншийлар томонидан турли мисра ва байтлардан иқтибос келтириш йўлга қўйилди. Баъзан бу байт ёки мисралар машҳур шоирлар ёки муншийларнинг ўз ижод намуналаридан келтирилган эди.

6. Сифат ва мавсуф (сифатланувчи объект) баробар қўйилади.

7. Фасоҳатдан керагича истифода этмоқ ва феъл бошида турли қўшимчаларнинг қўлланишидан тийилмоқ (форсий тилда баъзи феъллар олдидан *фаро, фуру, ҳами* каби қўшимчалар қўшилади).

Аҳмад Дойи (ваф. 1421 й.) ўзининг “Тарассул” тўпламида 10 та қонидани келтирганлиги ёритилган.

Бу даврда яратилган муншаотларни тил нуқтаи назаридан икки гуруҳга ажратиш мумкинлиги қайд этилди:

1. Форсий тилда яратилган муншаотлар.

2. Туркий тилдаги муншаотлар.

Мазкур асарларни тил нуқтаи назаридан икки гуруҳга ажратишимизнинг сабаби, темурийлар даврида ҳар иккала тил баробар равишда ҳам халқ орасида ва ҳам саройда кенг истеъмолда бўлганлиги билан изоҳланади.

Темурийлар ҳукмронлигининг аввалги давларида расмий ҳужжат ва давлат тили форс тили ҳисобланган бўлса, Темурий ҳукмрон Хусайн Бойқаро даврига келиб эса туркий тилга эътибор кучайди ва Султон Хусайн Бойқаро ва унинг улуғ вазири Амир Алишер Навоий даъватига кўра, илм ва ижод аҳли ҳам туркий тилда ўз асарларини ярата бошлаганликлари таъкидланди. Девон мактублари, расмий ёзишмалар содда, равон, ихчам ва аниқ шунингдек, бемаврид мактовлар, ортикча безаклар, адресат (мухотаб)га турли лақаблар билан мурожаат қилиш, мураккаб наътлардан холи бўлишига эътибор қаратилган. Бу услуб асосан темурийлар ҳукмронлиги даврининг охири, Шохрухмирзо даврида кучайди. Айтиш мумкинки, Шарафиддин Али Яздий қаламига мансуб “Зафарнома” асари айна ушбу услубда ёзилди ва муншийлар ва мактубнавислар айна шу асар услубини ўрганиб, ўз ёзишмаларига татбиқ этдилар ҳамда “Зафарнома”даги услубдан хатто Сафавийлар даврида ҳам фойдаланилганлиги қайд этилди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Абдуллоҳ Марворид ва унинг темурийлар даври маданий ҳаётида тутган ўрни**” деб номланиб, унинг биринчи фасли “*Абдуллоҳ Марворид ижодий фаолиятига доир маълумотлар*” деб аталган. Унда Абдуллоҳ Марвориднинг ҳаётига оид маълумотлар тазкиралар асосида ўрганилиб, унинг биографияси манбаларда келтирилган маълумотлар асосида тикланди.

Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Шамсиддин Муҳаммад Кирмоний Марворид темурийлар даври маданий ва адабий муҳитининг етук намоёндаларидан бўлиб, Ҳирот шаҳрида яшаб, фаолият юритганлиги аниқланди. Унинг етук хаттот, мусикашунос ҳамда ўз даврининг нуктадон вазири бўлганлиги

ёритилди. Манбаларда унинг Султон Ҳусайн Бойқаронинг мажлисларида қонун созини чалганлиги, Алишер Навоий шеърларига мусиқа боғлаганлиги ҳақида маълумотлар келтирилди. Абдуллоҳ Марвориднинг иншо санъатида ҳам моҳир эканлиги Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкираси асосида ёритиб берилди.

Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Шамсиддин Муҳаммад Кирмоний Марворид хижрий 865 хижрий йилда дунёга келган ва деярли умрининг охирига қадар Ҳирот шаҳрида яшаган.⁴⁴

Абдуллоҳ Марворид отасининг кўмаги билан ёшлик чоғидан бошлаб Султон Ҳусайн Бойқаронинг саройига кириб келади ва бир муддат ўтгач, садорат мақомига етиб, “парвоначи” лавозимини эгаллайди.⁴⁵ Абдуллоҳ Марворид нафақат сарой амалдори балки, шоир, мусиқашунос ва етук хаттот ҳам бўлган. У Алишер Навоий вафотидан сўнг унинг ўрнини эгаллайди ва султоннинг фармонлари ва ёзишмаларининг муҳрдорига айланади. Чунончи Алишер Навоий ҳам ўзининг машҳур тазкираси “Мажолис ун-нафоис”да Хожа Абдуллоҳ Садр исми билан Абдуллоҳ Марворид хусусида маълумотлар келтиради: *“Хожа Муҳаммад Марворид ўғлидурким, муддате вазорат девонида муҳр босар эрди ва ўз ихтиёри била истиғфор қилиб, офият кунжи ихтиёр қилди. Бу тоифадан анга муяссар бўлгондек оз кишига бўлмиш бўлғай. Ўзи кичик ёшида улум касб қилди...Ғафлат ва бепарволиғдин ўзга ҳеч айби йўқдур. Чун йигитдур, умиди дафъ бор. Адвор ва мусиқий илмида ...беназир бўлди. Ва қонунни маълум эмаским, ҳаргиз киши андоқ чолмиш бўлғай. Ва подшоҳ хизматида олий мансабқа сарфароз бўлди”*. У Султон Ҳусайн Бойқаронинг мажлисларида қонун⁴⁶ созини чалар эди ва замонасида унингдек қонун чалувчи инсон йўқ эди.⁴⁷ Шунингдек, Абдуллоҳ Марвориднинг иншо санъатида ҳам моҳир эканлиги Алишер Навоий томонидан эътироф этилган. *“Ва иншо фанини ҳам камолга еткурди. Ва ўзи яхши муҳоваралиқ ва яхши хулқлуқ ва яхши суҳбатлиқ йигитдур.”*⁴⁸ Шу ўринда Алишер Навоийнинг Абдуллоҳ Марворид билан устоз-шогирд мақомида эканликларини алоҳида қайд этмоқ жоиз. Алишер Навоийнинг нафақат “Мажолис ун-нафоис” асарида Абдуллоҳ Марворид номини зикр этиши, балки уни ўз фарзанди аржуманди сифатида билиб, унга “панднома” ёзиши, Алишер Навоийнинг Абдуллоҳ Марворидга бўлган эътиборини ифодалаши шубҳасиз.

Бобнинг “Муншаоти Абдуллоҳ Марворид”нинг қўлёзма нусхалари” деб номланган иккинчи фаслида, муншаот қўлёзма нусхаларининг илмий тавсифи ёритилган. Мазкур тўпламнинг ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Эроннинг Шўрои мажлис кутубхонаси ҳамда Малик музей-кутубхоналарида сақланадиган қўлёзма нусхалари мавжуд

⁴⁴ عبدالحسين نوایی. رجال كتاب حبيب السير. نشریه انجمن آثار و مفاخر فرهنگى. تهران-1379. ص184.

⁴⁵ <http://rch.ac.ir/article/Details/12576>

⁴⁶ **Қонун чолғу асбоби** – Сетор (Cythare) чолғусининг оиласига мансубдир. У Европада Canon ёки Мiосanon номи билан машҳурдир. У ёғоч қутининг устки қисмига жойлаштирилган бўлиб, нохун ёки қўлда чалинади. У кўринишидан ҳозирда мавжуд чанг чолғу асбобини эслатади.

⁴⁷ بیانی، مهدی. احوال و آثار خوشنویسان. انتشارات علمى. چاپ دوم. تهران ۱۳۶۳ش ص ۳۵۰ - ۳۵۲

⁴⁸ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами (Ўн жилдлик). 9-жилд Мажолис ул-нафоис. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – Б. 394.

бўлиб, изланишларимиз натижасида уларнинг қуйидаги қўлёзма нусхаларини аниқладик. Булар:

1. **P-1328** рақам остида ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланадиган қўлёзма нусхаси. Ушбу нусхадан жами 79та мактуб ўрин олганлиги аниқланди.

2. **P-288** рақам остида ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланувчи қўлёзма нусха. Ушбу нусхадан жами 45та мактуб ўрин олганлиги маълум бўлди.

3. **P-287** рақам остидаги қўлёзма нусха. Ушбу нусхадан жами 181 та мактуб ўрин олган.

